


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кўни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади

1997 йил феврал

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-КИЗЛАР ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ХАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Литва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускас шу йилнинг 19 феврал кўни расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди.

● Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидagi элчихонасидa Ўзбекистон билан Мали Республикаси уртасидa дипломатия

муносабатлари урнатиш ҳақидаги протокол имзоланди.

● Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувининг пленуми бўлди. Унда жамғарманинг утган йилги иш якуналари ва янги йил вазифалари муҳокама этилди. Жамғарма раиси Ш. Темуров шу ҳақида маъруза қилди. Пленумда Бош вазир уринбосари, республика хотин-кизлар қўмитасининг раиси Дилбар Гуломова сўзга чиқди.

● Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда «Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва ёшлар муаммолари» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб утди. Учрашувни республика ёшларининг «Камолот» жамғарма-

си ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси уюштирди.

● Лондонда, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикасидagi кичик ва урта бизнесга доир лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш тўғрисида кредит битими имзоланди. Битимга қура, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки Ўзбекистонга 120 миллион доллар миқдоридa кредит ажратишга қарор қилди.

● Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси уртасидa узаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

● Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Мерриллинч» халқаро молия компанияси уртасидa молиявий синдикат ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидa Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотини олиш учун тақдим этилган номзодлар рўйхатини эълон қилди.

ЎА ва республика матбуоти хабарлари асосидa тайёрланди



Хут—ҳали баҳор дегани эмас...

Муассисларимиз ҳаётидан

Республика Хотин-қизлар кумитасининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Уни Бош вазир уринбосари, республика Хотин-қизлар кумитасининг раиси Дилбар Гулова бошқарди.

Пленумда мамлакат хотин-қизларининг биринчи конференциясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар қуриб чиқилди ва атрофлича муҳокама этилди. Анжуманда сузга чиққанлар юртбошимиз ва республика ҳукумати мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий қурилишдаги урнини аниқлашга ҳаракат қилиш, тарихий қадриятлар

римизни қарор топтириш, таълим ва маданиятимизни юксалтириш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида амалга ошираётган ибратли ишларини кенг қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидладилар.

Пленумда республика хотин-қизларининг биринчи конференциясини шу йил 7 март куни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кумитасининг Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг уринбосари Б. Шодиева қатнашди.

Ўз мухбиримиз

Ахборот

БОЛАЛАР ҚИШЛОҒИ ҚУРИЛАДИ

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, оилани режалаштириш, туғруқ комплекслари ва болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг барча қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда бир қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, утган йилнинг июн-декабр ойларида республикамизнинг 70 туманида аҳолининг тиббий-ижтимоий аҳоли урганиб чиқилди ва 11.702 оила — 58.785 киши текширишдан ўтказилди. Аниқланган барча беморлар тегишли тиббий муассасаларга даволаниш учун жўнатилди. Кам таъминланган оилаларга дори-дармон, санитария-гигиена буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар тарқатилди.

Жамғарма Япония ҳукуматининг моддий қўллаб-қувватлаши билан Тошкентда «Сос — болалар қишлоғи» барпо этилди. Австриянинг «Сос — киндерлорф интернейшнл» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда қуриладиган болалар қишлоғининг тахминий баҳоси 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлади. Етим болаларнинг ҳудди уйдагидек яйраб ўсишлари, жамиятнинг тулақонли аъзолари бўлиб этиштирилиши учун хизмат қиладиган қишлоқ лойиҳаси тасдиқ учун республика ҳукуматига тақдим этилган.

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги асосий иш йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йўналишда шулар ҳақида суз юритилди. Йўналишни жамғарма бошқаруви раиси Г. Йўлдошева бошқарди.

Анжуманда Бош вазирнинг биринчи уринбосари И. Журабеков, Бош вазир уринбосари, республика хотин-қизлар кумитаси раиси Д. Гулова, Президент девони маъсул ходими М. Раҳимов қатнашди.

Ўз мухбиримиз

Оқ йўл!

Эҳтиёж маҳсули

Тахририятимизга кўпгаб хатлар келди, телефон кўнгируқлари бўлади. Кимдир ўз изтиробини ёзади, айтади, кимдир ижтимоий ҳаётнинг қайсидир жабҳасида содир бўлган қувончли воқеани сизу биз билан баҳам кўрмоқ ниятида. Ана шундай қувончли хабарлардан бири Сурхондарёдан келди...

Воҳада шу пайтгача 20дан ортиқ матбуот нашрлари чоп этиларди-ю, лекин хотин-қизлар ҳаётидаги муаммою ютуқларга тулалигича эътибор берадиган нашрга эҳтиёж сезилиб турарди. 1991 йили вилоят хотин-қизлар кумитаси нашри сифатида чоп этила бошлаган «Назокат» газетаси ана шу эҳтиёж маҳсули эди, десак

янглишмаймиз. Аммо ксйинги пайтдаги баъзи бир иқтисодий қийинчиликлар сабабли бу нашр ўз фаолиятини тухтатишга мажбур бўлди. Ва ниҳоят... «Назокат»нинг меросхури сифатида 1997 йили «Аёл ва замон» газетаси уқувчилар қўлига етди. «Аёл ва замон» иқтисодий ва сиёсий, маънавий ва маърифий, қуйинги, вилоят хотин-қизлар ижтимоий ҳаётининг барча йўналишдаги иштирокини, ютуқ, муаммо ва камчиликларини ўз саҳифалари орқали халққа рўй-рост етказмоқда. Ишончимиз комилки, тез фурсатда узининг доимий уқувчиларини топади.

Оқ йўл сенга, «Аёл ва замон»!

СИЁСИЙ
ЖАНЖАЛ
АВЖИДА

Бир ҳафта бурун Жанубий Корея ҳукуматидан сиёсий бошлана сураган. Шимолий Корея Парламентининг халқаро муносабатлар бўйича кўмита раиси, бу мамлакат ҳокимияти тепасида турган унта йирик мансабдордан бири бўлмиш 72 ёшли Хван Зян О теваарагида бошланган сиёсий жанжал давом этмоқда. Собиқ арбоб шу кўнларда Пекиндаги Жанубий Корея элчихонасида яшириниб турибди.

Пхеньяндан берилган хабарга кўра, уни ватанида хоин деб эълон қилиниб, эгаллаган вазибаларидан бўшатишган.

ЖУРНАЛИСТЛАР
ЭЪТИРОФИ

Куни кеча Россия жамоат телевидениесининг мухбирлари Р. Перевезецев ва В. Тебелус бир ой давомида Чеченистонда яширинча ўшлаб турилганларидан сўнг, Москвага келишиб, матбуот конференциячи ўтказдилар. Улар уларига қилинган ноҳақликда чечен халқининг ҳеч қандай айби йўқлиги, журналистларга қилинаётган ноҳақликларда айрим гуруҳларнинг маънафатлари ётганини эътироф этишди.

МУРОСА ЙЎЛИ

Чеченистон республикаси бош вазирининг уринбосари М. Удугов Россия билан Чеченистон орасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш



лозим, деган фикрни билдирди. Унинг айтишича, президент А. Масхадов икки мамлакат уртасидаги музокараларни давом эттириш учун маҳсул гуруҳи тузиш ҳақида буйруқ берган. Грознийдаги сиёсий раҳбарларнинг эътироф этишларича Россия билан Чеченистон муносабатларида ҳар иккала томонни қониқтирадиган шартномаларни тузишга имконият мавжуд. Айни пайтда Грознийда ҳукумат таркибини тайинлашга киришил-

гани йўқ, ҳали кадрларни танлаш, жой-жойига қуйиш туғрисида маслаҳатлар давом этмоқда, деди М. Уругов.

УЧРАШУВЛАР
ДАВОМ ЭТАДИ

Бутун Эрон пойтахтида Тожикистон президенти И. Раҳмонов ва тожик мухолифлари раҳбари С. Абдулла Нури навбатдаги учрашувни ўтказишиб, Москвада имзоланган шартномаларнинг бажарилиши юзасидан музокара олиб боришди. Бу музокараларда 26 февралда Москвада ўтказиладиган учрашувлар олдиндан томонларнинг келишиб олишларига ҳам имконият яратиш кўзда тутилган.

Айни пайтда БМТ ва Халқаро Қизил Хоч ташкилотлари уларининг тула-тукис ха-

вфсизликлари таъминланган шароитдагина вакилларини Тожикистон ҳудудига юборишларини маълум қилди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ
ЭЪТИРОЗИ

Перу пойтахти Лима шаҳрида 72 кишини ҳибсда ўшлаб турган террорчилар қўлидаги асирлари қуролли куч билан озод қилиш режалаштирилгани ҳақидаги хабар анча шов-шувга сабаб бўлди. Перу президенти А. Фухиморо бу хабарларни қатъий инкор этиб, «Туфа Комарру» гуруҳи билан музокара олиб борилаётгани, танг вазият фақат шу йўл билан бартараф этилиши мўлжалланганини билдирди.



«Оила ва жамият» газетаси
реклама фаолияти билан шугулланувчи агентликларни, реклама агентларини ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди.
Бизга:

- реклама баҳоси бир сантиметр квадрат учун 30 сум;
- ярим саҳифалик реклама учун 10 фоиз, бир саҳифалик реклама учун эса 20 фоиз чегирма бор;
- реклама агентлари реклама баҳосининг 25 фоизигача миқдорда рағбатлантирилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй, 609-хона.
Телефонлар: 36-56-52, 34-86-91, 33-28-20

Ўн икки бурж остида

БАЛИҚ

(19 февралдан 20 мартгача)

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Бу мучалда туғилганлар купинча руҳий азоб, хавотир ва қайғу чекадилар. Улар орасида ашпарат ҳодимлари камдан-кам учрайди, лекин ижодий иш билан шугулланувчи истеъодлар куп. Уларни молдунё қизиқтирмайди. Миллионер бўлишга интилмайдилар, аммо миллионерлардай яшашни оруз қиладилар.

«Балиқ»лар ҳаётда учрайдиган ҳодисаларга, воқеликка бепарқ қарайдилар. Балки шунинг учундир уларни бирор ишни бажаришга ундаш бейбойла.

Албатта, уларга дунёқарашни тор, фикрлаш қобилиятидан маҳрум мавжудот, деб баҳо берсангиз янгилашасиз. «Балиқ»лар купроқ ушалмас орузлар ҳақида уйлаш билан банд бўладилар. Ҳаётнинг ёмон томонларига жирканч назар билан қарашади. Уларнинг хотираси мустаҳкам. Агар «Балиқ» бирор маслаҳат берудек бўлса, сўзсиз унинг гапига қулоқ тутинингиз керак. Аммо уларга сўхбатдош бўлиш қийин, чунки «балиқ»лар танқилда дош бера олмайдилар.

Улар орасида купроқ ҳақиқий истеъод эгалари етишиб чиқади. «Балиқ»лар купроқ узлари ҳақида эмас, эриндош-уруғлари, дўст-биродарлари ҳақида ташвишланиб, қуларидан келганча ердан беришади. Муҳтожларга ердан бериш уларнинг асосий максаси.

«Балиқ»лар уз ақли ва кучига ишонч билан ёндошмайдилар. Аммо сезимлайдики, улар узлари уйлаганларидан ҳам донороқ ва кучлироқдирлар.

ЭРКАКЛАР. Тинч ва осойишта ҳаёт кечиришни севадилар. Очқуқниги, меҳмондўст бўлишга қарамай, купинча хомуш юрадилар. Халқпарастликлари туфайли жуда куп зарар қуришади.

Улар сир сақлашни билишади ва бировнинг шаҳсий ишига аралашини еқтиришмайди. Қуни-қушни ю, ер-биродарлари маслаҳат сураб унга куп мурожаат этишади. Ҳатто баъзида узингиз ҳам унга барча қийноқларингиз, муваффақиятсизликларингиз ҳақида гапириб бериш истагида бўласиз.

«Балиқ» мучалида туғилган эркаклар бирор ишга астойдил қиринса, албатта, бунинг удасидан чиқади, ақл

билан иш курса, бойлик ҳамда обрў ҳам орттириши мумкин.

Агар улар 25 ешгача ҳаёт оқими бўйлаб туғри йўлга тушиб олишса, кейинги турмушлари ҳавас қилдудек бахтли бўлиб кетади. Лекин шу ешгача ҳам уз бахтларини топа олмасалар, кейинчалик ҳам қийналиб яшашади. Бу мучалдаги эркаклар уз бахтлари учун кураша олмайдилар. Сиз уни тушунишга ҳаракат қилишингиз, қўлингиздан келганича ердан беришингиз керак. Чунки у ҳеч қачон бировга ёмонликни раво қурмайди.

У сизни рапқ қилмайди, ҳатто бу туйғу ута аланга олганида ҳам, узини босиқ тутди. Гарчи муносиб бўлмасангиз-да, у сизга нисбатан узидан ишонч уйғота олади.

Болалар уни жуда севишади. Чунки у болаларнинг барча ташвишларига шерик бўлиб, албатта, ердан беради.

АЁЛЛАР. Бу мучалдаги аёллар жуда гузал ва сқимтойдирлар. Агар сиз уни севиб қолсангиз, албатта, ҳимоя қилишингиз керак. У жуда назокатли булгани учун сўхбатда булган ҳар қандай эркак уни еқтириб қолиши мумкин. Аммо турмуш қурғач, у сиздан куп нарсани талаб қилиши турган гап. Чунки у—аёл! У узининг талабларини сизга мулойимлик билан билдиради. Агар сиз унга нисбатан қаҳридан ва купол муомалала бўлсангиз, уни аёллик нафосати тарқ этиб, захар ва сержаҳл бўлиб қолади.

Унинг ички дунеси жуда бой бўлса-да, халқпарастлиги сабабли қуринишдан ҳимоясиз ва назикдай туолади. Пул ишлашга уқуви бўлмаса-да, унинг оиласи моддий танқисликка учрамайди. Доим яхши қийинчи юришини, ажойиб совгалар харид қилишни яхши қуради ва бунинг удасидан чиқади.

У ҳам болаларни севади ва ҳаммадан қура яхшироқ тушунади. Шунинг учун болаларни тарбиялашда хатоликларга йўл қўйганини сезмай қолади.

Унинг туғилган қунини еки туйингиз булган қунини асло унутманг. У буни кечирмайди. У ҳамиша, ҳар қандай соҳада назокатли, нафис ва дилбар аёллигича қолади.

Қадри Мисриддин МАЪМУРОВ!
 Таваллуд айемингиз муборак. Умр гулшанидан доим навқиронлик гулини теринг. Сизга омад, оилавий бахт тилаб,
дўстларингиз, Ҳумоюн

Меҳрибонимиз ГҮЛЖАМИЛА!
 Сизни таваллуд топган қунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Бизнинг бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг, чеҳрангиздан ҳозирги табасумингиз ҳеч қачон аримасин.
Ҳурмат билан умр йўлдошингиз ҳамда фарзандларингиз Аслиддин, Сирожиддин, Ҳилола, Шалола ва Умида

Ҳурматли қадрдонимиз Матназар РАҲИМОВ!
 Сизни 25 баҳорингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Илмий ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман деб,
Саодат ҒОЙИПОВА, «Иқтисод ва ҳисобот» журнали

Ҳурматли тоғамиз Эркин ҚАЛАНДАРОВ!
 Сизни таваллуд топган қунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга сихат-саломатлик, узок умр, ишларингизда ривож ва оилавий бахт тилаб,
жиянингиз Гулчехра ва куёвингиз Бозорбой

Қадри Неъматилла ва Насибохон!
 Сизларни муборак 50 ешингиз билан самимий табриклаймиз. Сизга боқий умр, мустаҳкам саломатлик, бахтли оилавий ҳаёт тилаймиш.
Абдуллаевлар оиласи, Тошкент

Азиз дадажонимиз Қилич Расулов!
 Қутлуг 60 ешингиз билан ва волидаю муҳтарамимиз Шарофат ая 58 ешингиз билан табриклаймиз. Сизларга оллоҳдан боқий умр, соғу-саломатлик ва жаҳондаги барча эзуликларни тилаб қоламиз. Фарзандларингиз бахтига доим омон будингизлар!
Фафур РАСУЛОВ, ТошДУ Кимё факултети толиби

Азиз ва мўғтабар онажонимиз Зухрабо АБДУҒАНИЕВА!
 Сизни 24 февраль—таваллуд қунингиз, яъни муборак 50 ешингиз билан қутлаймиз. Сизга сихат-саломатлик, узок умр, ҳамиша шоду-хуррам юришингизни тилаймиш.
Турмуш ўртоғингиз Ирисбой, Фарзандларингиз: Рустам, Одалбек, Бобир, Амина, Гулмира



КАРТОШКАДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТАОМЛАР

ПУШТИ ПЮРЕ

5-6 та сабзининг пустини арчиб, ювиб, булақларга бўлиб қозонга солинади. Озгина сув ёки булен қуйилади. 2 қошиқ маргарин ёки ёғ солиб пишгунча қоққоғини ешиб қуйилади. Картошқаси аюҳида пишриб олинади. Тайёр булган сабзавотлар туңг қиймалагичдан утказилади ва устидан қайноқ суг қуйилади, сунг ёғ солиб аралаштирилади. Қараб-сизки, ранги иштаҳа очадиган даражада чиройли булган пюре тайёр.



қизиб турган бошқа идишга солинади ва қазириб пишгунча қовурилади. Иккинчи марта қовураётган пайтда туз сеппилади. Айнан шу пайтда картошка пишпади ва катталашпади (эсингизда бўлсин, иккинчи идишдаги ёғ картошқадан 4 баробар куп бўлиши керак). Бунинг моҳияти шундаки, биринчи марта қовурилаганда картошканинг устига крахмал чиқиб қалин пўст ҳосил қилади. Иккинчи марта қовурилаганда эса картошка ичидagi ҳаво парга айланади ва уни пишпирлади.

РЕСТОРАН ГАРНИРИ

Бу таомнинг бошқа номи ҳам бор: пишпирилган. Бу ном унинг қуринишига тааллуқли.

Сиз бирон ресторанда еки ошхонада қовурилан картошка гарнирини еб қурган бўлсангиз керак. Улар дуппи ва пишган бўлади. Лекин уйда пишпирганимизда эса ҳеч ҳам ундай чиқмайди, кичрайиб, эзилиб кетади. Бунинг эса узига яраша сирлари бор экан.

Картошка пустини арчиб, «таёқча» шаклида кесилади. Кейин уларни салфетка билан арчиб, 130-140 даражагача қиздирилган ёғга солиб қовурилади. 3-4 минутдан кейин човлида олинади ва ёғи

«РАГУ»
 Урточа катталашпади картошқаларни тозалаш арчиб, туртга бўласиз. Киздирилган сарегда пиез ва туртбурчак қилиб кесилган ёғ қовурилади. Унга озгина ун қўпилади. Ҳаммасини жиғаранг булгунча қовурасиз, устидан қуруқ шурва (булен) ва уккус қуйилади. Туз, майлаланган гармдори соласиз. Кейин картошка солинади ва 1,5 соатга дамлаб қуйилади.

500 гр картошкага — 100 гр. ёғ ва бир бош пиез, 50 гр. сарег, 2 ош қошиқ ун, 1 стакан қуруқ шурва, 2 ош қошиқ уккус.

ДИЛАФРУЗ тайёрлади

Испаниянинг Линарес шаҳри ахли таниқли шоҳмотчи, ФИДЕ версияси буйича жаҳон чемпиони Анатолий Карповни орзиқиб кутган эди. Бироқ у Линаресдаги супертурнирдан сие-сатни, туртироғи Тула вилоятидан Россия давлат думаси депутатлигига номзодини қуйишни афзал курди. Кимсан Гарри Каспаров, Ананд, Крамкин, Иванчук каби шоҳмотчилар келишса-ю, Карпов ҳатто таклифномага (турт марта қайта-қайта юборилган, биттаси расман топширилган, қолганлари факс орқали) «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришга «вақт топмади». Бу эса Линаресдаги барча турнирлар таш-

Киборлар ҳаётидан

«СИЗ ҚАЛЛОБСИЗ»

килотчиси Луис Рентеронинг тепа сочини тикка қилди. У Карповга аччиқ-аламли мактуб йўллади. Қуйида ана шу хатнинг мазмуни билан танишасиз.

«Мен сизни шундай ишга қодир деб асло уйламаган эдим. Сиз узингни авлиёдек эъозловчи одамларнинг, уларнинг фарзандларининг устидан кулдингиз. Сиз уларнинг ишончи устидан кулдингиз.

Буларни айтишимнинг сабаби қуйидагича.

Уттан йилнинг май ойида Линарес ҳукумати сизга шаҳарда утказилади-ган Халқаро турнирда иштирок этиш учун шартнома тақдим этди. Линарес халқи узининг халқаро мусобақаси билан бағоят фахрланади. Сиз эса жавоб йўллашни ҳам эп курмай, линаресликларни ҳақорат қилдингиз.

Етти ой ичида ҳам бизга жавоб йўллагани вақт тополмадингиз. Қолаверса, январ ойида Линарес шаҳри ҳукумати сизга утга факс йўллади. «Келасизми ёки йўқми?» деган саволга лом-мим демалдингиз.

Узимча савол бераман: сиз нега бундай қилдингиз? Негаки, сиз қурқасиз! Ёки Линаресда Каспаров ҳам булишини эшитиб келмадингизми? Айнан Каспаров додингизни бергани яхши маълум. Қанар оролларида унга

ютқазганингиздан кейин дамингиз чиқмай қолди.

Энди сиз иккинчи бор ана шундай мағлубият аламини тотишдан қурқаясиз. Сиз ҳақиқатнинг қузига тик қаролмай, пинжингизни қисаясиз. Сиз жаҳон чемпиони эканингиздан фахрланасиз, лекин бу гирт ёлғон-ку! Сиз бу унвонни қаллоблик билан қулга киритгансиз. Бу борада тажрибангиз етарли — Фишер воқеаси ёдингиздадир?!

Каспаров билан буладиган 400 миллион песетлик учрашувингизни қандай ҳал қилмоқчилигингиз мени жуда қизиқтирапти. Линаресда уйнамаётганингиз эса оқибатсиз қолмайди: энди Cabildo Insuair сизга ҳомийлик қилмайди.

Ёдингизда булсин, сиз рейтингда ўчинчи ҳам, туртинчи ҳам эмассиз. Қанар оролларидаги унланмас мағлубиятлардан сунг сиз энг пастдасиз.

Бу мактубни ёзишдан мақсад сизни оғоҳлантириб қуйиш: мени ва линаресликларни ҳақорат қилганингиз учун энди сизни бирорта ҳам турнирга таклиф қилмайман. Афсуски, мен «Ёмон одамлар» деб атайдиган кимсалар гуруҳига қўшилдингиз.

Хурмат билан Луис Рентеро
«Коммерсант Daily» газетасидан

Сўнги устун

МЮНХАУЗЕН СИНДРОМИ

Дунда бир касаллик борки, унга чалинган киши бирор ери огримас-да, касалхонада ётиб даволаштига эҳтиёж сезади. Бу касаллик «Мюнхазузен синдроми» деб аталади. Буюк Британиялик Уилям Макилрой ана шу касалга чалиниб, 50 йил давомида юзга яқин касалхонада ётган, 400дан ортиқ жарроҳлик операциясини узда синаган. У оила даврида энг кўп булган мулдат олти ойга тенгдир.

«УНУТИШДИ»

1944 йилнинг 15 августи эрталаб соат саккизда АҚШнинг 60-аргиллереия полки оддий аскарери Эверет Ример уставни бузгани учун зобитлар унга «смирно» деб қоманда беришди. Улар «волно» командасини беришни эса 5,5 сулгага «унугиб қуйишди». Бечора Ример 132 соат мобайнида ҳарбийчасига роз турди.

МУҲАББАТ ЁШ ТАНПАМАЙДИ

АҚШнинг Висконсин штатидаги «Каравилла» помли қариялар уйида яшовчи Гарри Стивенс 103 ёшга қадам қўйганда севги дардига муғбало булди. У шу ерда турувчи 84 яшар Телма Лукас хонимни севиб қолди ва унга уйланди.

ОШҚОЗОНДАГИ ГАПЕРЕЯ

Асримиз бошларида Канадада яшаган, руҳий хасталик билан огриган Х. исмли аёл қўлига илинган нарсани огзига тиқиб, ошқозонига жупатаверган. 1927 йил эсида Онтарио шаҳрида уни операция қилишганда, ошқозонидан жами 2533 дона буюм, жумладан 947та турноғи чиқариб олишган.

ОҒЗИДАН УТ ПУРКАБ

Буюк Британия фуқароси Рег Моррис 1986 йил Чейстаун шаҳрида булиб утган томонша пайтида оғзидан узунлиги 9,4 метр булган олов пуркаб чиқариб барчани лол этган эди. Орадан икки йил утиб, у икки соат давомида 22888 дона машғалани оғзига суқиб учириниша муваффақ булди.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Бирор ишни қойилмақом қилиб уддалайдиганларни хурмат ва ҳавас билан «ўз ишининг устаси» деймиз. Франциялик Жан Франсуа Гравле утган асрда яшаб утган дорволарнинг энг маҳоратлиси, устаси булса, ажабмас! У 1859 йилнинг 30 июн куни Ниагара шаршараси устига 48 метр баландликда тортилган, узунлиги 335 метрли дор устидан юриб утди. Орадан бир йил утиб, у бу ишга яна қул уради. Фақат бу сафар елкасига дусти Хэлли Колкордни ҳам чиқариб олганли.

МАНЗИПИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 33-28-20, 36-56-52, 34-86-91
Урол СОДИҚ навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-099 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Қизиқарли маълумотлар

РЕКОРДЛАР МАМЛАКАТИ

«Гиннеснинг рекордлар китоби»ни ҳамма жуда яхши билади. Ундан инсониятта тегишли булган энг юксак курсаткичлар, натижалар, одамзот аталмиш олий мажудот номийин этган турли-туман антиқа муғжизалар урич олган. Хитойга тегишли булган жаҳон рекордлари бу китобда шунчалик кўпки, уларни санаб санабга этиш қийин. Мана улардан баъзи бирлари: Хитой дундаги аҳолиси энг кўп мамлакатдир. Ҳозирда бу мамлакатда 1,21 миллиард киши истиқомат қилади. Шунингдек, чекувчилар соғи буйича ҳам Хитойга стадигани йўқ. Мамлакатда 300 миллиондан ортиқ қашанда бор. Хар куни чилликлар 66 минг тонна чучка гуштини паққос туширинишни ҳам олимлар ҳисоблаб чиқипган. Қуйида эса «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан мўносиб урич олишни мумкин булган «янгироқ» маълумотга тўхталиб утамиз.

Маълум булишича, Хитой узок умр курувчилар соғи буйича ҳам дунда энг олдинги уричда экан. Бугунги кунда мамлакатда еши 60 дан ошган 120 миллион қария яшайди. Бу курсаткич 1990 йилдаги нисбатан 14 фоизга усаган. Узок умр курувчилар мамлакат аҳолисининг умумий сонига нисбатан деярли 10 фоизга кўнайган.

Социологик тадқиқотларнинг курсатишича, узок умр кураётганлар орасида аёллар эркакларга қараганда кўпчилики (100:60) тапқил этади. Хитой аёлларининг уртча умри 70 ёш атрофида экан.

Олимларнинг айтишича, бу мамлакатда яшаш шароитининг яхшиланиб бораётганлиги сабабли келажакда узок умр курувчилар соғи мўнтазам ортиб боради.

Лекин, биз ҳозир Хитойни ешлар энг кўп яшайдиган мамлакат десак ҳам хато қилмаймиз. Буюм бир рекорд.


Анвар КАРИМОВ

Оланда гап кўп

ШИРИН «НАРКОТИК»

Сан-Диего шаҳридаги нейрофизиология Институту олимлари олиб борган тадқиқотлардан маълум бўлишича, шоколад тийёрлашида асосий таркибий қисм бўлган какао кукуни мияга айрим тийёрланд моддалар даражасида таъсир этар экан. Жумладан, какао таркибида уч хил ўткир химиявий модда борлиги аниқланди.

Сўғич — ҳақиқий шарқона лаззат



Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КўМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:

Ўзбекистон «Матбуот шарқилиш уюшмаси» ассоциацияси